“Ўзкимёсаноат” АЖ кўмагида “Обод” маҳалласида янги иш ўринлари яратилди

// 13 aprel 2026 йил
https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-kumagida-obod-mahallasida-yangi-ish-urinla



Аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Деҳқонобод тумани “Обод“ маҳалласида амалга оширилган лойиҳалар бунинг яққол исботидир.



Жамият кўмагида фуқаро Худойбердиева Назокатнинг тикувчилик фаолиятини йўлга қўйишига амалий ёрдам кўрсатилди. Унга 5 дона тикув машинаси топширилиб, натижада 5 нафар кам таъминланган оила аъзолари доимий иш билан таъминланди.

“Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан амалга оширилаётган бу каби ижтимоий лойиҳалар нафақат ҳудудларда бандликни таъминлаш, балки кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



